

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ

**“САМАРКАНД ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**



**ЮРИДИК ИСТЕМӨЛЧИЛАР УЧУН
ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ
ШАРТНОМАСИ**

УЛГУРЖИ ИСТЕММОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

2022йил 20 Январ

0471-сон

Самарканд туман
Т/Ш/ЭТК номи (дустлик)

Самарканд туман ЭТК низом асосида фаолият юритувчи

Самарканд тумани зарафшон Электор тамъминоти корхонаси
(туман(шахар) электр таъминоти корхонасининг номи)

раҳбари Розиков Б (кейинги ўринларда
(туман(шахар) электр тармоқлари корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

“Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда Самарканд вилоят
фтизиатрия ва пульмонология маркази низом асосида фаолият юритувчи

(истеммолчанинг номи)

раҳбари Шеркулов Ш.Р (кейинги ўринларда “Истеммолчи” деб аталади),
(истеммолчи раҳбарининг Ф.И.О.)

иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеммолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ оркали етказиб бериш ва “Истеммолчи” истеммол килинган энергия учун ўз вактида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади,

II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеммолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 231111 кВт.с. реактив _____ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича _____ ташкил этади.

тариф тури: табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсан)

2.3. “Истеммолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. “Истеммолчи” томонидан истеммол килинган электр энергиясининг ҳақ тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатта олинган ҳолда аникланади.

2.5. Истеммолчиларнинг (маиший истеммолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташкири) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишининг бошқа воситалари истеммолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат киёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Электр энергияси учун хисоб-китоблар бир ставкали, табакалаштирилган, ўсиб борувчи коэффициент кўлланиладиган ёки ахолига тенглаштирилган тарифлар асосида амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган “Истеммолчи” (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеммолчилари

Истеъмол килинган энергия учун табакалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар: ярим тифиз давр – сутканинг ёруғ вактида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тиғиз давр – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимиning энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни кўллаш оркали;

тунги давр – сутканинг коронғи вактида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камаювчи коэффициентни кўллаш оркали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гурухи бир ставкали истеъмолчиларга кўлланиладиган тарифга туғри келади.

Табакалаштирилган тариф кўлланилмайдиган истеъмолчига нисбатан энергия учун хисоб-китобларда бир ставкали тариф кўлланилади.

Уланган куввати 750 кВА гача бўлган, электр энергиясини реализация килишида нархни шакллантиришининг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айrim хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат карори билан белгиланадиган тарифлар бўйича амалга оширади.

Уланган кувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширувчи истеъмолчилар (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йигимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган таҳсилоти платформасини таъминлаш ва янги блоклар яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гурухига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентта мувофик тўлайди.

3.3. Бир исчада тариф гурухларига мансуб истеъмолчи билан хисоб-китоблар, хар бир тариф гурухига алоҳида ўрнатилган хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича амалга оширилади.

“Истеъмолчи” томонидан алоҳида хисобга олиш приборлари ўрнатиш рад килинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланилаётган энг юкори тариф гурухи бўйича хисоб китоб килинади.

3.4. “Истеъмолчи” хисоб-китоб даври тутагандан сўнг Электр таъминоти корхонаси ваколатли вакили билан биргаликда (мавжуд вазиятдан келиб чиккан холда) ёки унинг иштирокисиз хисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини хар ойда ёзив олади ва ушбу шартноманинг 5-иловасига мувофик шаклда энергия сарфи бўйича хисбот тузади.

“Истеъмолчи” “Таъминотчи корхона”га энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги хисботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алокаси оркали хар ойнинг “ ” санасигача тақдим этади.

Бунда, тўловларни табакалаштирилган тарифда амалга оширадиган “Истеъмолчи”лар бўйича электр энергия сарфи бўйича хисботда фойдаланилган электр энергия (актив ва реактив) тўлик хажмидан ташқари тигиз, ярим тифиз ва тунги пайтларда фойдаланилган электр энергия хажмлари алоҳида хам кўрсатилиши шарт.

3.5. Электр энергияси учун амаллаги тарифлар ўзгарган тақдирда, “Худудий электр тармоқлари” корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин оммавий ахборот воситаларида эълон килади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида колади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб хак тўлашга мажбурлир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чиқилади ва “Таъминотчи корхона” томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. “Истеъмолчи”га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдириги тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат килганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан хак тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан хак тўланмаган хамда 50 фоиз олдиндан хак тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг якуний охиригача.

Хисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармоқларидан тўлик узишгacha бўлган чоралар кўрилади.

3.7. “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг энергия сарфи тўгрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибида хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичидаги тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

“Истеъмолчи” турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

“Таъминотчи корхона” томонидан махсус ластурӣ махсулот орқали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади хамда истеъмолчи тўгрисидаги маълумотлар кўрсатилган холда электрон раками имзо билан тасдиқланиб, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли “Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги дисобварак-фактурапардан фойдаланишини тақомиллаштириши чорадабирлари тўгрисида”ги қарори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушбу шартномага 3-иловага мувофик, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмагандан, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш хажми “Истеъмолчи” билан биргаликда хисоблаш йўли орқали аникланади ва ушбу шартномага 4-иловага мувофик далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган “Истеъмолчи” учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланиб, мутаносиб равишда жами одинган электр хажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади. (6-,7-иловаларни реактив кувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради).

3.5. Электр энергияси учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, "Худудий электр тармоклари" корхонаси уларнинг кучга киришидан камида 15 кун олдин карорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан катий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучидаги қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳак тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия)нинг аванс тарикасида тўланган хажми учун тўлов кунидан бошлаб кейинги бир ойдан ортик бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни нотўғри кўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортикли тўловлар тегишли тариф бўйича кВт/соатларда кайта хисоблаб чиқилади ва "Таъминотчи корхона" томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда хисобга олинади.

3.6. "Истеъмолчи"га электр энергияси етказиб бериш 100 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, хисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар хисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб хисоб-китоб даври бошланишидан камида 5 кун олдин билдиригни тартибида Таъминотчи корхонага мурожаат килтганлари тақдирда электр энергияси истеъмолчиларга 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаш асосида етказиб берилишига йўл кўйилади. Олдиндан ҳак тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳак тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнинг охиригача якуний хисоб-китоб амалга оширилмаган холларда мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр тармокларидан тўлик узиштагача бўлган чоралар кўрилади.

3.7. "Таъминотчи корхона" "Истеъмолчи"нинг энергия сарфи тўғрисидаги хисоботи асосида белгиланган тартибида хисоб-китобни амалга оширади ва беш кун ичидаги тўлов амалга ошириш учун хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини тақдим этади.

"Истеъмолчи" турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьектга эга бўлса, ҳар бир тариф гурухи учун тариф кўрсатилган холда умумий хисоб-фактура тақдим этадилади.

"Таъминотчи корхона" томонидан маҳсус дастурий маҳсулот оркали хисоб-фактура ва тўлов хисоб-варагини шакллантирилади ҳамда истеъмолчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган холда электрон ракамли имзо билан тасдикланиб, оператор оркали роуминг операторига юборилади.

(Асос: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажбумасининг 25.06.2019 йиздаги 522-сонли "Ўзаро хисоб-китоблар тизимида электрон шаклдаги хисобвараж-фактурапардан фойдаланувани тақомиллаштириши чора-тадбирлари тўғрисида"ги карори)

3.8. Хисобга олиш прибори ушибу шартномага 3-иловага мувофиқ, электр тармокларининг мансублик баланси бўйича фарқлаш далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аникланадиган электр тармогининг мансублик баланси четарасида ўрнатилмаганда, чегарадан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкалда энергиянинг технологик сарфланиш хажми "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоблаш йўли оркали аникланади ва ушибу шартномага 4-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юкори кувватга уланган, табакалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган "Истеъмолчи" учун энергиянинг технологик сарфланиш хажми сутканинг тигиз, яrim тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аникланниб, мутаносиб

равиша жами олинган электр хажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳакини ёзиш учун кўшиб борилади. (*6-,7-шловаларни реактив қувватга эга ва технологик бронли истеъмолчилар тўлдиради*).

3.9. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истеъмолчининг электр тармоғи оркали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истеъмолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истеъмолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий миқдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истеъмолчи томонидан узатилган электр энергияси миқдорига мутаносиб равиша, ягона электр энергетика тизимининг электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

3.10. Электр энергияси сарфи тўғрисидаги ҳисобот истеъмолчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, худудий электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергияси (шу жумладан актив ва реактив энергия) истеъмолининг шартномавий миқдори бўйича ёки ўтган ҳисоб-китоб давр учун электр энергияси истеъмолининг ўртacha суткалик амалдаги миқдори тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисоб-китоб килинади.

Бунда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари назорат тартибида Тъминотчи корхона томонидан ёзib олингандан кейин амалда истеъмол килинган электр энергияси учун кайта ҳисоб-китоб килинади. Кайта ҳисоб-китоб истеъмолчи ёки унинг вакили иштирокида ёхуд унинг иштирокисиз белгиланган тартибида амалга оширилади.

3.11. Тъминотчи корхона истеъмолчилар билан биргаликда истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги миқдорини аниклаш учун улардаги электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини хар ойда ёзib олиши ва зарур бўлганда электр энергиясини ҳисобга олиш приборларини улаш схемасини текшириб кўриши керак. “Истеъмолчи” томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида “Тъминотчи корхона”га белгиланган шакл бўйича ўз кўли билан, факсимил электрон ёки почта алоқаси оркали тақдим этилган ҳисобот юридик шахслар хамда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун истеъмол килинган электр энергиясининг амалдаги хажмини аниклаш учун асос бўлиб хизмат килади.

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизими (ЭҲНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларининг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувоғик, бирок бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзib олинади.

“Тъминотчи корхона” “Истеъмолчи”нинг шахсий ҳисоб-ракам ва ҳисобга олиш приборларининг холати ҳакида батағсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон хамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини тъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фойздан ортик миқдорда энергия истеъмол килганда, “Истеъмолчи”дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортик истеъмол килинган электр энергияси жаъми хажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдорида тўлов ундирилади.

“Истеъмолчи”нинг электр энергияси ҳакини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси кайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган

маблаглари карзни коплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан хак тўлаш) сифатида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” шартномада кўрсатилган электр энергияси хажмини тўлиқ истеъмол килмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблаглар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

Хисоб-китоб ойидан кейинги календар ой тутагач карздорлик тўлов муддати ўтган деб хисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун “Истеъмолчи”га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида, электр энергияси маҳсус тартибда етказиб бериладиган корхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдорида пеня хисоблаб ёзилади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

3.13. “Истеъмолчи” ва “Таъминотчи корхона” ҳар ойда хисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро хисоб-китобларнинг таккослаш далолатномасини тузади.

3.14. “Истеъмолчи”ни куйидаги ҳолларда электр тармокларидан узилади:

шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;

хисоб-китоблар ўз вактида амалга оширилмаганлиги окибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Таъминотчи корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига хисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

хисобга олиш приборларини касдан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш максадида уларнинг ишлашига ташқаридан аралашиш хатти-харакатлар амалга оширилганда;

электр энергиясидан ноконуний фойдаланилгани, электр тармокларига ноконуний уланиш, талон-тарож килиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузишнинг бошка холатлари аниқланганда.

Ягона электр энергетика тизимида электр энергия ва қувватда танқислик вужудга келганда, аварияларга йўл қўймаслик ва истеъмолчиларнинг тартибсиз узуб қўйилишининг олдини олиш максадида ҳудудий электр тармоклари корхонаси ўчириш вактини кўрсатган ҳолда, истеъмолчилардан рекламалар, иллюминациялар, бино ва ишоотларни ёриттичларини, электр иситиш ва исик сув билан таъминлаш қурилмаларини ўчириб қўйишни талаби бажарилмаганда.

3.15. Хисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган кайта хисоб-китоб, “Истеъмолчи”ни конун хужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш коидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. “Истеъмолчи” томонидан коидабузарлик холати бартараф этилиб, мавжуд карздорлик ва тўлон пайтидаги базавий хисоблаш миқдорининг ўи баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг тармокга кайта уланади (ЭҲНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. “Истеъмолчи” электр тармокларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алохида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий хажмидан олинадиган улушга мутаносиб равишда хак тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига кўшишга рухсат этилмайди.

3.18. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол килинган электр энергияси учун тўлов тарифлари куйидаги ҳоларда ахоли учун белгиланган тарифларга tengлаштирилади;

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ти ЎРК 327-сон Конуннинг 28-моддасига асосан Оилавий корхона туар жойдан бир вактнинг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдалантган тақдирда электр энергияси ҳакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан Ўзбекистон Республикаси худуидаги диний ташкилотлар 2003 йилининг 1 сентябрдан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар электр энергиясига тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

IV. ТОМОИЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи қўйидаги хукукларга эга:

“Истеъмолчи”нинг электр курилмаларини “Таъминотчи корхона” электр тармокларига техник шартларга мувофиқ ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб берининг тўхталиши ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

“Таъминотчи корхона”га истеъмол қиласидан энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин, тегишли микдор учун 100 % тўлов амалга оширилган тақдирда, 10 кундан кечикмай (жорий ой тутагунгача) берилиши лозим;

электр энергияси тўлиқ хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши оқибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофиқ бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган электр энергияси микдори учун тўланган маблагни кайтарилишини талаб килиш;

Электр энергияси етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб қилиш;

электр таъминоти шартномасини тузиша ва бажариша юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун судга, монополияга қарши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансадор шахсга) мурожаат килиш.

“Истеъмолчи” конун хужжатларига мувофиқ бошка хукукларга ҳам эга.

4.2. “Истеъмолчи” қўйидагиларга мажбур:

худудий электр тармоклари корхонаси томонидан белгиланган электр энергиясини истеъмол килиш режимига риоя этиш;

фойдаланилган электр энергияси (куввати) учун ўз вактида ҳак тўлаш;

ишлатилаётган электр курилмалари, асбоблар ва асбоб-ускуналарнинг зарур техник ҳолатини ва истеъмолчиларнинг электр курилмаларини эксплуатация килинда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш. худудий электр тармоклари корхонасига ёки электр таъминоти корхонасига электр асбоб-ускуналарнинг носозлиги тўғрисида хабар килиш;

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

“Ўзэнергоинспекциясининг”нинг ёзма кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларига риоя этиш;

үрнатилган тартибда худудий электр тармоклари корхонаси вакилига электр энергиясими хисобга олиш асбобларини күришига имкон бериш;

йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой оддин электр энергиясими зарур микдори учун 100 % оддиндан түлов амалга оширилган тақдирла "Таъминотчи корхона"га буюртманома бериш;

келгуси йил учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни аниклашда электр энергиясими электр тармокларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармокларига уланган субистеммолчиларнинг эҳтиёжини хисобга олиш.

Шунингдек, уланган куввати 5 МВт ва ундан ортик бўлган "Истеммолчи" "Таъминотчи корхона"нинг талабига кўра қуидагиларни хисобга олиши ва бу хақида хабар бериши шарт:

истеммол килинаётган кувватнинг хар суткалик, хар ойлик сарфи ва амалдаги микдори;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврларида реактив энергия ва кувватнинг хар суткалик сарфи;

ягона электр энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (кувват)нинг хар 30 дакикадаги сарфи.

Уланган куввати 250 кВА ва ундан ортик бўлган истеммолчилар юкорида кўрсатилган мажбуриятлар билан биргаликда қуидагиларга мажбур;

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун электр энергияси сарфининг техник ва иктисодий жихатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш - умумий ишлаб чиқариш ва технологик; якка тартибдаги ва гурух бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси такомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига караб кайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускунадар, цехлар ва истеммолчилар гурухлари бўйича электр энергияси балансларини тузиш хамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини тахлил қилиш, электр энергиясимиң самарасиз сарфланиши ва истроф бўлишини аниклаш, уларни камайтириш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун электр энергиясига бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини такомиллаштириш заруритини аниклаш мақсадида (маҳсулот ишлаб чиқарishнинг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланётган прогноз ҳажмларидан ва электр энергияси сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва электр энергиясими тежашни хисобга олган холда) электр энергиясимиң бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига электр энергияси сарфининг тасдиқланган меъёрларига риоя килиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

электр энергиясими тежаш бўйича (йиллик ва узок истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

"Истеммолчи" "Таъминотчи корхона" томонидан белгиланган энергия истеммолини чеклаш жадвалини бажарishi шарт.

“Истемолчи” конун хужжатларига мувофик бошка мажбуриятларга хам эга.

4.3. “Таъминотчи корхона” кўйидаги хукукларга эга:

“Истемолчи”дан шартномала белгиланган ўз мажбуриятларини дозим даражасида бажаришини талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда “Истемолчи” томонидан етказилган амалдаги зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

авария режимида “Истемолчи”ни электр тармоғидан узиб кўйиш;

ЭХНАТга уланган ёки электр энергиясига олдиндан хақ тўлаш курилмасига эга хисобга олиш прибори бўлган истемолчини олдиндан тўланганда тутаганда электр тармоқларидан узиш.

Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боялик кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарурати бўлганда, “Истемолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан энергия етказиб бериши тўхтатиш ёки чеклаш.

“Таъминотчи корхона” конунчиликка мувофик бошка хукукларга хам эга.

Мазкур шартномага асосан “Истемолчи”ни электр тармоқларидан узилгандан кейин юзага келган холат учун “Таъминотчи корхона” жавобгар бўлмайди.

4.4. “Таъминотчи корхона” кўйидагиларга мажбур:

“Истемолчи”га электр энергиясини электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача шартномада кўрсатилган хажмда мунтазам етказиб бериш;

ускуналар, электр ўзатиш линияларини, хисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф килиш;

электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида камида 3 кун олдин огохлантириш;

“Истемолчи”ни электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиши сабаблари тўғрисида хабардор килиш (Истемолчи масъул ходимларини уяли аюла воситаси орқали (телефонограмма), овозли хабар, телеграм хабарнома, СМС хабар орқали ёки ёзма тарзда);

киритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вакти кўрсатилган холда “Истемолчига” олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошка бузилишлар тўғрисидаги “Истемолчи”нинг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктиримай кўриб чикиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

“Истемолчи”га ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия хисобини юрттиш;

“Истемолчи”нинг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофик беш кун муддатда электр энергиясининг ойлик шартномавий хажмига ўзгартришлар киритиш, электр энергиясининг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда - бу хакида, ради этиш сабабини кўрсатган холда, истемолчига хабар килиш;

“Истемолчи”да ўрнатилган хисобга олиш приборларини алмаштириш ва ўрнатиш, пломбалашни таъминлаш;

давлат стандартига мувофик бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Таъминотчи корхона конунчиликка мувофик бошка мажбуриятларга хам эга.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибида жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, “Таъминотчи корхона” бунинг натижасида етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга, “Истемолчи” эса етказилган ҳакиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. “Таъминотчи корхона” “Истемолчи” олдида моддий жавобгар бўлмайди агар;

“Истемолчи” электр энергияси истемолининг белгиланган режимига риоя килмай, электр энергияси истемоли ёки кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйганда, “Таъминотчи корхона” томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбай автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлик ўчиришлар вактида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

электр энергияси ишлаб чиқарувчи (ИЭС, ГЭС) ва уни магистрал тармок орқали етказиб берувчи (МЭТ) корхоналар томонидан электр таъминотида узилишлар бўлганда.

5.3. Томонлар уларнинг хоҳиши ва харакатларига боғлик бўлмаган табиий оғатлар ёки ижтимоий-иктисодий вазиятлар сабабли ушбу шароитларда қайтариб бўлмайдиган ва олдиндан билиб бўлмайдиган фавқулодда холатларни ўз ичига олган енгиб бўлмас куч (форс-мажкор) оқибатида ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажара олмаса, томонлардан хеч бири ўз мажбуриятларини тўлиқ ёки кисман бажармагани учун жавоб бермайди.

5.4. Мазкур шартномани бажариш жараённида юзага келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал килинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал килишнинг ғложи бўлмаганда, улар конунчилликда белгиланган тартибида ҳал килинади.

5.5. Электр энергияси ягона электр энергетика тизимидан транзит бўйича истемолчининг электр тармоғи орқали худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига узатилганда, истемолчи тармоқларидаги электр энергияси технологик сарфининг бир кисми, истемолчининг электр тармоғига келиб тушган электр энергиясининг умумий микдорига нисбатан худудий электр тармоқлари корхонасининг электр тармоғига истемолчи томонидан узатилган электр энергияси микдорига мутаносиб равишда, ягона электр энергетика тизимиning электр тармоқларидаги технологик сарфларга ўтказилади.

VI. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 01 Апрелгача бўлган муддатта тузилади.

Шартноманинг амал килиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор килиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган хисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал килиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сакланадиган иккни (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажратмас кисми хисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан шартномани муддатидан олдин бекор килиш, иккинчи томонни бекор килиш муддатидан ўттиз кун олдин ҳабардор килган холда ва томонлар ўзаро хисоб-китоб килиши шарти билан бекор килиниши мумкин. Бекор килиш тўғрисида ҳабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартериш ва кўшимчалар, агар улар факат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳакиқий хисобланади.

6.5. мазкур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қоидалар Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22 сон карори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари ҳамда бошка амалдаги норматив – хукукий хужжатлар талабларига мувофик тартибга солинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

ИСТЕМОЛЧИ:

Юридик манзили Самарканд тумани миронкул курғони

Хисобраками 100021860182337073201054001

Банк коди (МФО) 00014 STIR (ИНН) 201007839

Республика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган Истеъмолчилар учун:

Бюджет фондининг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) STIR (ИНН)

Бюджетдан ташқари фонднинг ҳисобрақами

Банк коди (МФО) STIR (ИНН)

КҚС тўловчининг коди

Телефонлар: _____ Факс: _____ e-mail: _____

(Истеъмолчининг, шу жумладан раҳбарининг узли, факс телефонлари коди электрон манзиз ёзилади)

Кадастр рақами

Статистик кодлар:

IFUT (ОКЭД) 91513

DBIBT (СООГУ)

МНОВТ (СОАТО) 1718401

(КФС)

TSHK (КОПФ)

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНА:

Почта манзили Гулобод МФЙ

Хисобраками 22636000002611704392

Банк коди (МФО) 00317 STIR (ИНН) 200613520

КҚС тўловчининг коди 318010013324

Телефонлар: _____ Факс: _____

Статистик кодлар:

DBIBT (СООГУ)

МНОВТ (СОАТО)

Истеъмолчи:

Диордулов Ш.Р

Манзизи, лавозами, Ф.И.Ш.

Таъминотчи корхона:

бошлиги

Разиков Б

Манзизи, лавозами, Ф.И.Ш.

ЮРИСТКОНСУЛЬТ ХУЛОСАСИ:

Мазкур электр энергиядан фойдаланиш шартномаси юристконсульт

Ф.И.Ш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонлии карори талабларига мувофик тузилди. Томонлар ўртасида мазкур шартномани тузиш учун Ўзбекистон Республикасининг конунчиллик талаблари мониторинг келмайди. Шартнома иштирокчиларининг хукук ва маъбуриятлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий хукукий базаси тутрискиси"ти конуни талабларига жавоб беради. Шартнома шартлари юзасидан келиб чиқиши мумкин бўлган жавобгарлик масаласи томонлар ўртасида конуний келишишади. Шартнома юзасидан шартнома иштирокчилари ўртасидаги низодларни ҳад килиш тартиби белтилинган.

Юристконсульт _____

Етказиб бериладиган энергия хажми

1. Тариф гурухи _____
2. Фаолият турни _____
3. "Истемолчи" электр курилмаларининг уланган куввати: _____ кВА (кВт)
4. Техник шарт бўйича рухсат берилган кувват _____ кВт
5. Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (лойиха бўйича) _____
- Электр таъминоти ишончлилиги бўйича тоифаси (амалда) _____
6. Ҳисоб-китоб турни: _____

тариф турни табакалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган (вериклиси ёзилсан)

Давр	Энергия хажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гурухлари бўйича			
		I	II	III	IV
Йил, жами					
Январь	13333				
Февраль	77777				
Март	440001				
Апрель					
Май					
Июнь					
Июль					
Август					
Сентябрь					
Октябрь					
Ноябрь					
Декабрь					

Ташкилот кунига фойдаланади _____ соат, ойга _____ кун

Умумий юкламага нисбатан сменалар бўйича юкланиш % хисобида I __, II __, III __

Истемолчи

Самарканд инжоят фтизиатрия ва

Пульмонология маркази

Директор - Шеркулов Ш.Р.

М.У.



(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Таъминотчи корхона

Самарканд туман зарафшон

Электор таъминоти корхонаси

Рахбари Разиков Б

М.У.



(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

Энергияни хисобга олиш приборлари ўринатилган жойлар ва уларнинг тавсифлари

Т/П	Хисобга олиш приборлари турни (актива), (номинал токи)	Хисобга олиш прибори раками	Хисобга олиш прибори клемма колкотидаги пломбанинг раками	Уличов трансформатор-заривнинг трансформация коэффициенти		Хисоб-китоб коэффициенти	Хисобга олиш приборларининг шартномасига тузилган кундаги курсаткичлари хисоблагич курсаткичлари	Тариф турни сўм/ 1 кВт.с.
				Ток	Кучланыш			
	"Истемолчи"ниш (суб"Истемолчи"ниш г) хисобга олиш прибори ўринатилган жойлар, турни ва кучланыш тоифаси (кВ) курслатилган холда							

Имзолар:

Истемолчи:

Самарканд вилоят фтизиатрия ва

Пульмонология маркази

Директори: Шеркулов Ш.Р

М.У. (Имзо)



Таъминотчи корхона:

Самарканд туман зарафшон
Электор таъминоти корхонаси

Рахбари Разиков Б

М.У. (Имзо)



Электр таъминотининг шартномасига
З - илова

**Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги
ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллик чегараси
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Изоҳ: Хар бир электр энергияси хисобга олаш прибори учун алоҳида З ва 4-иловалар тузилади

Хисобга олини прибори давлат рақами _____ ток трансформатори _____ кучланиш
трансформатори _____ жами кофициент _____ узланган юввани _____ кВт
Хисобга олини прибори ўрнатилган манзил _____

шахар.кўғ.мф.кўч.уй рақами

1. Тариф гурухи _____ Фаолият тури _____

Труба шаш чиқ.Шакаблок.Гишт.Плёнка шаш чиқ.Акфа цехи.Насос.Савдо.Кафе.Онҳона.Устакона ва...???

1. "Истемолчи"нинг балансидаги электр курилмалар мавжуд:

а) ҳаво электр тармоғи _____

б) кабель электр тармоғи _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари ТП рақами _____, _____ кВА

2. "Истемолчи" ва "Таъминотчи корхона" ўртасидаги электр тармоқларнинг баланс бўйича мансублик чегараси _____

3. Улардан қўйидагиларга:

а) _____

хизмат кўрсатиш "Истемолчи" ходимлари томонидан.

б) _____

"Истемолчи" билан тузилган "Техник хизмат кўрсатиш" № _____ сана _____ й. шартномаси асосида электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан хизмат кўрсатилади. "Техник хизмат кўрсатиш" шартномаси тузмаса _____ томонидан хизмат кўрсатилмайди.

4. Электр курилмаларнинг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси қўйидагича белгиланди: _____



Вакиллар:

Истемолчи

М.У.

Таъминотчи корхонас

М.У.

Шеркулов Ш.Р
(Ф.И.Ш.)

Розиков Б
(Ф.И.Ш.)

Энергияни йўқолишларини аниклаш бўйича ДАЛОЛАТНОМА

Энергия хисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси хисобга олинган ҳолда мансублик чегарасидан хисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган кисми хисоблаш йўли билан аникланади ва куйидагиларга хисобланади:

а) Куввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истевмолчининг кабель линияларидаги хар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____ ;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истевмолчининг ҳаво линияларидаги хар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;
Кесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____ ;
Кучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Энергияни хар ойда жами йўқотишлар хажми хисоб давридаги энергия сарфининг _____ фоизини ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юкорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истевмолчининг хар хисоб-китоб даври учун, хисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истевмолидан ва 1-иловада кўрсатилган ойлик шартномавий энергия микдорларидан келиб чикиб аникланади.

Таъминотчи корхонанинг электр тармоқлари ва уйларнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк хисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маший истевмолчиларнинг электр энергиясини хисобга олиш ускуналаригача бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари хисоб-китоб қилиш йўли билан аникланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари истевмолига каратилади.

Имзолар:

Истевмолчи:

Самарканд вилоят фтизиатрия ва
Пульмонология маркази

Директори: Шеркулов Ш.Р.

М.У.

(Имзо)



Таъминотчи корхона:

Самарканд туман зарафшон
Электор таминоти корхонаси

Рахбари Разиков Б.

М.Ў.

(Имзо)



Электр таъминотининг шартномасига 5-илова

Энергия (актив, реактив) сарфи бүйнч ХИСОБОТ

20 йил _____ ой бүйича

Күрсаткычлар қайд этилған сана « ____ » 20 ____ йил.

Изөх: $7 \text{ устүн} = 6 \text{ устүн} + 1 \text{ устүн}$, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками $8 \text{ устүн} = 7 \text{ устүн} * 4 \text{ устүн}$.
 $8 \text{ устүн} = 9 \text{ устүн} + 10 \text{ устүн} + 11 \text{ устүн} + 12 \text{ устүн} + 13 \text{ устүн}$.

Истемолчи рахбари



Газминотчи корхона энергетик

Шеркулов Ш.Р.
ФИЦ им.Заси

Розиков Б
Ф.И.Шимзоси

Электр таъминотининг шартномасига
6 - илова

Компенсация курилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация курилмаларининг белгиланган куввати

Т/р №	Компенсация курилмаларининг турлари	Куввати	Уланиш вақти		Жами
			Эрталаб	Кечқурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юкори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
1.2.	Кўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	Сдинг реактив куввати, кВар (Сдинг ўринатилган кувватининг 30 фоизи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юкори.				

ИЗОХ авторёжимда ишлатиладиган конденсатор курилмалари билан жиҳозланган тарикилоттар узаниши
вақтларини тўздиришига шафт эмас.

Электр таъминотининг шартномасига 5-идова

Энергия (актив, реактив) сарфи бүйнч ХИСОБОТ

20 йил ойи бүйича

Күрсаткышлар қайд әтілген сана «...» 20 Ійл.

Изюм: $7_{\text{усту}} = 6_{\text{усту}} - 5_{\text{усту}}$, табакалаштирилган хисоб учун назорат раками $8_{\text{усту}} = 7_{\text{усту}} + 4_{\text{усту}}$, $8_{\text{усту}} = 9_{\text{усту}} + 10_{\text{усту}} + 11_{\text{усту}} + 12_{\text{усту}} + \text{гр} 13_{\text{усту}}$.

Истемолчи раҳбари



Шеркулов Ш.Р

Розиков Б
Ф.И.Шимадси



2. Реактив энергияннинг иктисодий микдори

Йил, ой	Реактив энергияннинг иктисодий микдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурӯҳлари бўйича		
		I	II	IV
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергияннинг ҳар бир хисобот даври учун иктисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аникланадиган кувват коэффицентининг оптимал микдори хисобга олинниб, ушбу давр учун актив энергияннинг шартномадаги микдоридан келиб чиккан холда аникланади.

Хисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иктисодий кийматининг амалдаги микдори истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффицентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аникланади.

Тарифга устама кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда фаол энергияннинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иктисодий киймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффицентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аникланади;

10 % - реактив энергиядан иктисодий киймат микдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеммол килинган актив энергия ва кувват коэффицентининг шартномавий микдоридан келиб чиккан холда аникланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асоссан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги хисобига кувват коэффицентининг норматив киймати Истеммолчи томонидан кўллаб-кувватланмаслиги аникланганда, худудий электр тармоклари корхонаси томонидан конун хужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши кийматининг техник иктисодий хисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, кувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеммолчилардан кўшимча маблаглар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва кўшимча маблагни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеммолчи томонидан кувват коэффицентининг амалдаги кийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоинспекция"нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеммолчи ятона электр тизими тармогида электр тармогининг катта юкламали соатларида реактив энергия хосил килганда ва электр тармогининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармогидан реактив энергия истеммол килинганда, агар Истеммолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма кўшилган киймат солиги хисобга олинмаган холда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% микдорида бедгитанади.



Электр таъминотининг шартномасига

7 - илова

**Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича
ДАЛОЛАТНОМА**

Истеммолчининг

иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки киска муддатли кувват танқисидиги юзага келганда Истеммолчи куйидагиларни бажариши керак;

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасигача пасайтириш:

T/p №	Технологик бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилиши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилши, ускунанинг бузилиши, портлаши, ёнгин, заҳарланниш ва бошқа баҳтсиз ҳодисаларга олиб келувчи цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар ҳам киради (2-бандга қаранг.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

I босқич _____ кВт
II босқич _____ кВт
III босқич _____ кВт
IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария брони даражасигача узуб куйилади.

T/p №	Авария бронига тааллукли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда колдирилган юкламалар куввати (кВт)	Изоҳ
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

* а) Учирилиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишининг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи цехлар ва агрегатлар, ҳамда юриқлаш ёритгичлари электр тармогидан узилмаган ҳолда колдирилади.

б) Енгинга қарши заҳира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария бронига кирмаиди (ушибу агрегатлар, заруратга қараб, олдиндан Таъминотчи корхона билан келингизган ҳолда рӯйхатга киритилиши мумкин).

Имзолар:



Истеммолчи:
Шеркулов Ш.Р.
М.У. (Имзо)



Таъминотчи корхона:
Розиков Б.
М.У. (Имзо)

20.01.2022 йилдаги №0471 сөнли шартномага илова

2022 йил ойлари ва чораклар үчүн	Электор энергия КВТ	Тариф 1 январь 2022 йил	Ажратылған маблаг суммасы, сум
Йиллик	231111		103999400
1-чорак	231111	450	103999400
Январ	13333	450	5999750
Февраль	77777	450	34999650
Март	140001	450	63000000
2-чорак	0	0	0
Апрел	0	0	0
Май	0	0	0
Июнь	0	0	0
3-чорак	0	0	0
Июль	0	0	0
Август	0	0	0
Сентябрь	0	0	0
4-чорак	0	0	0
Октябрь	0	0	0
Ноябрь	0	0	0
Декабрь	0	0	0

Электор энергия таыминотчысы



Электор энергия истемолчысы

